

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МЕРОС ОЛИШ



ЎУЎУЎУЎУЎУЎУ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАЙМОВА ГУЛРУҲ МАХМУДОВНА

МЕРОС ОЛИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

Рисола

Тошкент – 2021

УЎК: 347.65/.68(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Г.М. Мамараимова.
Мерос олиш ҳуқуқингиз бор. Рисола.
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 41 б.

Тақризчилар: **О. Оқюлов** – Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист;
Д. Ашуров – Ўзбекистон Республикаси Нотариат палатаси раиси.

Мазкур рисола ворислик ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган. Унда сиз мерос, уни эгаллаш тартиби, меросдан воз кечиш, нолойиқ меросхўрлар, васиятнома тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилишга оид масалалар билан танишасиз.

Мазкур рисола кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўлжалланган.

© Мамараимова Г.М.
© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Мерос нима?.....	5
2. Кимлар меросхўр бўлади?	6
3. Ворисликда меросга чақириш навбати мавжудми?	9
4. Меросдан мажбурий улуш олиш мумкинми?.....	12
5. Мерос таркибига нималар киради?.....	13
6. Мероснинг очилиши деганда нима тушунилади?	14
7. Мерос қаерда очилади?	16
8. Васиятнома нима ва у қандай расмийлаштирилади?	17
9. Карантин вақтида васиятномаларни нотариал тасдиқлаш қандай амалга оширилади?	20
10. Сиз васиятнома тузмоқчимисиз?	23
11. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкинми?	26
12. Мерос қандай эгалланади?.....	30
13. Меросдан воз кечса бўладими?	37
14. Мерос мулки қандай тақсимланади?	37
Фойдаланилган адабиётлар	40

КИРИШ

Ҳар қандай соғлом фикрли инсон ҳалол меҳнат орқали оиласини таъминлаш, мулкдор бўлиш, уни кўпайтириш ва ўзидан кейин авлодларига қолдириш йўлида меҳнат қилади.

Мулкдорнинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиш ҳуқуқи, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида белгиланган. Унга кўра, мулкдор мулкка нисбатан барча ҳуқуқларидан ҳаётлик чоғида бевосита фойдаланади. Шунингдек, ўз мулкининг вафотидан кейинги тақдирини васиятнома қолдириш орқали олдиндан белгилайди.

Инсон вафотидан кейин ундан қолган мол-мулк тақдирини белгилаш, уни кимнинг эгалигига бериш масаласини ҳал этиш барча даврларда ҳам долзарб ҳисобланган. Бундай вазиятда мерос қонунчилиги қариндош-уруғ ўртасидаги турли баҳс-мунозараларга ечим беради, уни қонуний, адолат билан ўз эгаларига тақсимлашга хизмат қилади.

Фуқароларга мерос масаласида кўмакчи бўлиш ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш мақсадида мазкур рисола тайёрланди.

Унда мерос тушунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш, мерос таркиби, мерос очилиши, меросхўрлар, васиятнома бўйича ворислик, қонун бўйича ворислик, меросни эгаллаш ва васиятнома тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар содда, ҳамма учун тушунарли тилда баён этилган.

Шунингдек, рисолада васиятнома намуналари, мерос билан боғлиқ қизиқарли фактлар ҳамда энг кўп бериладиган саволларга жавоблар билан танишишингиз мумкин.

1. МЕРОС НИМА?



Мерос – бу вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)нинг мулкый ва айрим номулкий ҳуқуқларининг меросхўрга ўтиши.

Инсон вафот этганидан сўнг унга тегишли бўлган барча мол-мулклар бошқа шахсларга ўтади. Фақат мол-мулклар эмас, қарзлар ёхуд марҳум кимгадир қарз ёки бирор мол-мулк берган бўлса, уни талаб қилиб олиш ҳуқуқи ҳам унинг меросхўрларига

ўтади. Ана шу жараён мерос деб номланади.

Мерос муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (36, 54-моддалар);
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (V бўлим);
- Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (81, 84, 95-моддалар);
- Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (19-модда);
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни (13, 21-моддалар);
- Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси “Давлат божини тўғрисида”ги қонуни;

– *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарори;*

– *Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома.*

Давлат нотариал идораларида нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни амалга оширилганликлари учун ҳақ миқдорлари.

2. КИМЛАР МЕРОСХЎР БЎЛАДИ?

Мерос қолдирувчи вафот этган вақтда тирик ёки ҳомила ҳолида бўлган марҳумнинг васиятномасида кўрсатилган шахслар ёхуд унинг қариндошлари меросхўр ҳисобланади.

Фақат инсонлар меросхўр бўладими?

Йўқ, амалдаги қонунчиликка кўра инсон васиятномасида ўз мол-мулкини давлатга, бирор-бир ташкилотга ёхуд фондга мерос қилиб қолдириши мумкин.

Ёдда сақланг!


Меросхўрлар:


- мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар;
- мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари;
- мерос очилган пайтда мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Васият бўйича меросхўрлар – қариндошлигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс, шунингдек, юридик шахс, давлат ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари васиятнома бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар – бунда мерос қолдирувчининг қон-қариндошлари ворис ҳисобланади. Улар қариндошлик даражасига қараб меросга чақирилади.

ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСХЎРЛАР НАВБАТИ





3. ВОРИСЛИҚДА МЕРОСГА ЧАҚИРИШ НАВБАТИ МАВЖУДМИ?

Албатта, бунда олдинги навбатдаги меросхўрлар биринчи келади. Кейинги навбатдаги меросхўрлар меросни эгаллашга келиши учун олдинги навбатдаги ворислар бўлмаслиги лозим. Ҳар бир навбат тенг улушларда қонун бўйича ворислик ҳуқуқига эга.

Меросхўрларнинг меросни қабул қилиб олиш бўйича навбати:¹

биринчи навбат – мерос қолдирувчининг болалари (фарзандликка олинган болалари ҳам), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) ҳамда вафотидан кейин туғилган болалари.

иккинчи навбат – мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси.

учинчи навбатдаги ворислик – мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси.

тўртинчи навбат – мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари. Бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

бешинчи навбат – мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари сифатида чақирилаётган навбатдаги меросхўрлар билан бирга чақирилиб мерос олмаган бўлса.

¹ Васиятнома бўлган тақдирда навбат амал қилмайди, биринчи навбат бор жойда иккинчи навбат келмайди.

Эътибор беринг!

Юқоридаги навбатлардан ташқари яна бир тоифа меросхўрлар борки, улар бошқа навбатда бўла туриб ворисликка чақирилган навбат билан бирга меросни эгаллаши мумкин.

Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида *бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган* меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос олади.

Иккинчи, учинчи, тўртинчи навбатда кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлса, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос олади.

Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, марҳумнинг қарамоғидаги шахс сифатида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда кўпи билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб олади.

Мисол учун: мерос қолдирувчининг меҳнатга лаёқатсиз акаси (иккинчи навбатдаги ворис) унинг қарамоғида бўлса, унинг фарзандлари (биринчи навбат) билан бирга мерос олишга чақирилади.

Кимлар мерос олишдан четлаштирилиши мумкин?

Қонунларимиз мерос олишга лойиқ бўлмаган шахсларни, яъни мерос қолдирувчи ва бошқа меросхўрларнинг соғлиғи ёки ҳаётига суиқасд қилган шахсларни нолойиқ меросхўр деб топади, шу сабабли улар меросдан четлаштирилади.

Нолойиқ меросхўрлар:

– мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тугилган меросхўрлардан биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар;

– мерос қолдирувчи ўзининг охириги хохиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва бу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар.

Улар **на васият бўйича, на қонун бўйича** мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

– ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар шу фарзандларидан қолган мерос мулкига ворис бўлиш ҳуқуқига, шунингдек, мерос қолдирувчини таъминлаб туриш юзасидан қонун асосида ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ота-она (фарзандликка олувчилар) ҳамда вояга етган фарзандлар (фарзандликка олинганлар)лар ҳам нолойиқ меросхўр ҳисобланади.

Улар **қонун бўйича** мерос олиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ булар номига васиятнома қолдирилган бўлса, улар меросхўр бўлади.

4. МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Қонун вояга етмаган ва меҳнатга қобилиятсиз (нафақадаги ёки ногирон) қариндошларининг мерос олиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Унга кўра, агар мол-мулк бир одамга мерос қилиб қолдирилса, лекин вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр) ёки ота-онага ҳеч нима қолдирилмаган бўлса, қонунга асосан васиятномада нима дейилганидан қатъи назар, уларга улуш ажратилади (ФКнинг 1142-моддаси)¹.

Қуйидагилар мерос қолдирувчининг меросидан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга:

- ✓ вояга етмаган болалари;
- ✓ меҳнатга қобилиятсиз болалари;
- ✓ меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини);
- ✓ меҳнатга қобилиятсиз ота-онаси;
- ✓ меҳнатга қобилиятсиз фарзандликка олинганлар.

Меҳнатга қобилиятсизлик – ногиронлик ёки бирор-бир касаллик туфайли меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиш. Пенсия ёшига етиш.

Меросдан мажбурий улуш олувчилар васиятнома мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг **камида ярмини** мерос қилиб олади.

¹ Меросдан мажбурий улуш олувчилар

Меросдан мажбурий улуш олиш тўғрисида энг кўп амалиётда бериладиган савол.

Мажбурий улуш олувчи ўз улушидан воз кеча оладими?

Жавоб: албатта.

Асос: ФКнинг 1148-моддаси.

5. МЕРОС ТАРКИБИГА НИМАЛАР КИРАДИ?

Мерос қолдирувчи вафот этган вақтда унинг номида бўлган мол-мулклар, мулкый ҳуқуқлар, қарзлар мерос таркибини ташкил қилади.

Вазият: кўп савол бўлади, бу уйни менга васият қилиб бергани, уни аммам ёки тоғам номига ўтказиб олибди. Бундай вазиятларда одатда мерос қолдирувчи васиятнома ёзганидан сўнг муайян вақт ўтганидан кейин қайсидир сабабларга кўра васият қилган мол-мулкни ҳада қилган ёки сотган бўлиб чиқади. Бироқ васиятнома бекор қилинмаган бўлади. Бундай ҳолатда мерос қолдирувчи вафот этганда васиятномада кўрсатилган мол-мулк унинг эгалигидан чиқиб кетган, унга тегишли эмас бўлади. Яъни бу мулк мерос таркибига кирмайди ва васият бўйича ўтмайди (сабаби энди у мулк бошқаники ҳисобланади).

Мерос қолдирувчи вафот этган вақтда унга тегишли бўлган унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Фуқароларнинг қонун билан тақиқланмаган барча мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусий мулк сифатида мерос таркибига киради. Мерос мулки таркиби давлат томонидан имтиёзли равишда ёки умумий асосларда мерос қолдирувчининг эгалигига берилган мулклар, ер участкалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тарзда берилган турли объектлар бўлиши мумкин.

Мерос таркибига мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги ҳар қандай улуши, пай бадаллари киради. Ҳар қандай мулкнинг мерос қолдирувчининг ўзига тегишли қисми мерос таркибига киради.

Мерос таркибига кирмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

– юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

– ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

– алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

– меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

– мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

6. МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШИ ДЕГАНДА НИМА ТУШУНИЛАДИ?

Мерос қолдирувчининг вафот этиши натижасида унинг мол-мулкига нисбатан **мерос очилишига** сабаб бўлади.

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос очилган вақт:

– мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлган пайти ҳам);

– у вафот этган деб эълон қилинганда эса

- суднинг қарорида кўрсатилган аниқ муддат;
- суднинг қарори кучга кирган кун.

Ўлим факти – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи томонидан тегишли тиббиёт муассасасининг фуқаро ўлгани ҳақидаги маълумоти асосида бериладиган ўлим ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. Ўлим ҳақидаги гувоҳнома ФХДЁ органи томонидан вафот этган фуқаронинг қариндошларига унинг паспорти ўрнига берилади.

Мерос очилган вақтни тўғри аниқлашнинг аҳамияти:
биринчидан, мерос масаласига нисбатан татбиқ қилинадиган қонун нормасини аниқлаш учун зарур;

(Вазият: 1992 йилда вафот этган шахснинг меросига нисбатан агар уни 1997 йил 1 мартдан олдин эгаллашга киришилган бўлса, мазкур мерос масаласига 1963 йилдаги ЎзССРнинг Гражданлик кодекси нормалари қўлланилади. Мерос қолдирувчи 1997 йил 1 мартдан кейин вафот этса, амалдаги Фуқаролик кодекси қоидалари қўлланилади.)

иккинчидан, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик, мерос трансмиссияси, меросни эгаллаш муддатлари тўғрисидаги қоидаларни қўллашда мерос очилган вақт аҳамиятга эга.

(Вазият: ота вафот этишидан аввал ўғли вафот этган тақдирда, **тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик** қўлланилади. Ўғли отаси вафот этишидан кейин, бироқ меросни қабул қилмасдан вафот этган бўлса, **мерос трансмиссияси** қоидалари қўлланилади.)

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик – А. (ота) 10 март куни вафот этган. В. (ўғил) эса 8 март куни ундан 2 кун аввал вафот этган. А.нинг мероси тақсимланганда В. олиши керак бўлган улушни унинг **фарзанди** олади.

Мерос трансмиссияси – А. (ота) 10 март куни вафот этган. В. (ўғил) эса 12 март куни ундан 2 кун кейин вафот этган. А.нинг мероси тақсимланганда В. олиши керак бўлган улушни унинг **хотини ва фарзанди** олади. Айтганча, агар онаси ҳам тирик бўлса, В.нинг улишининг бир қисмини **онаси** ҳам олади.

7. МЕРОС ҚАЕРДА ОЧИЛАДИ?

Мерос очилган жойни аниқлаш мазкур мерос масаласига нисбатан қўлланадиган **қонунни аниқлашда** муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик кодексининг 1197-моддасига кўра, мерос мерос қолдирувчининг охириги доимий турар жойига эга бўлган (мерос очилган жой) мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Мисол учун, Ўзбекистон фуқароси охириги доимий турар жойи Туркменистон Республикаси бўлса, унинг мерос мол-мулкига нисбатан Туркменистон қонунчилиги қўлланилади.

Мерос очилган жой – мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи.

Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой **мерос очилган жой** деб ҳисобланади.

Мерос очилган жойни аниқлашнинг бошқа аҳамиятли ҳолатлари мерос очилган жойдаги нотариал идора томонидан кўриб чиқилади.

Буни ёдда тутинг!

Кўчмас мулкни мерос бўлиб ўтишига нисбатан мерос очилган мамлакат (яъни фуқаронинг охириги доимий яшаган мамлакат) қонунчилиги эмас, кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонунчилиги қўлланилади (**ФКнинг 1199-моддаси**).

Мисол учун. Германияда доимий яшаб вафот этган фуқаронинг Ўзбекистонда жойлашган уй-жойлари мерос сифатида ворисларга бўлиб берилиши керак. Бу вазиятда

Германия қонунчилиги эмас, Ўзбекистон қонунчилиги қўлланилади. Германия қонунларига кўра боласи ва хотини (эри) меросга чақирилса, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича ота-онаси, фарзандлари ва хотини (эри) меросга чақирилади.

Меросхўр ҳайвонлар ҳақида қизиқарли фактлар.

Инсоният тарихидан маълумки, инсонлар ўз мол-мулкларини ҳайвонларга мерос қилиб қолдирган вақтлар ҳам бўлган. Мисол учун, XVII асрдаёқ француз кардинали Ришелье ўз жамғармасини 14 та мушукка қолдирган. Афсонага кўра, яқинлари Ришельенинг истагини қўллаб-қувватламади ва муаммони кескин (барча жониворларни ўлдириш йўли билан) ҳал қилишди. Шунга қарамай ўз мол-мулкни ҳайвонларга мерос қилиб қолдириш анъанаси давом этиб келмоқда. Қуйида меросхўр ҳайвонларнинг рўйхати келтирилган:

- Гюнтер IV овчаркаси – 375 млн доллар;
- Шимпанзе Калу – 60 млн доллар;
- Опра Уинфри итлари – Сэди, Санни, Лорен, Лейла ва Люк – 30 млн доллар;
- Мушук Блэки – 25 млн доллар;
- Товуқ Жиго – 16 млн доллар;
- Болонка Трабл – 12 млн доллар;
- Чихуахуа Кончита – 11,3 млн доллар.

8. ВАСИЯТНОМА НИМА ВА У ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?



Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулк ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома – фуқаро томонидан ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг тақдирини ўзи вафот этгандан кейин белгилловчи ёзма ҳужжат. Унда фуқаро қарзларини ҳам мерос қилиб қолдириши мумкин.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Бироқ агар васият қолдирувчи соғлиғи ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан имзолай олмаса, унинг ўрнига бошқа шахслар васиятномани имзолаши мумкин.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қандай мол-мулклар васият қилиб қолдирилади?

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга вафот этиши эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Васиятнома ёзма шаклда тузилиб, албатта, **нотариал тасдиқланиши лозим**. Бунда нотариус ўз хоҳиш-иродасини билдирган жараённинг видеотасвирга олинишини таъминлаши ва уни сақлаши лозим.

Васиятни нотариал идора томонидан тасдиқлашнинг имкони бўлмаганда васиятномани қандай тасдиқлаш мумкин?

Васиятномани нотариал тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни белгиланган тартибда мансабдор шахслар томонидан тасдиқланишига йўл қўйилади. Бундай васиятномалар нотариал тартибда тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.

Васиятномани тасдиқлаши мумкин бўлган мансабдор шахслар қуйидагилар:

- ✓ касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг
 - бош врачлари;
 - даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари;
 - навбатчи врачлар;
 - госпиталларнинг бошлиқлари;
- ✓ қариялар ва ногиронлар уйларининг
 - директорлари;
 - бош врачлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида сузиб юрган кема капитанлари;
- ✓ қидирув экспедициялари ёки шунга ўхшаш бошқа *экспедиция* бошлиқлари;
- ✓ ҳарбий қисмларнинг командирлари;
- ✓ озодликдан маҳрум қилиш жойлари ёки қамок бошлиқлари.

Мазкур шахслар васиятномани тасдиқлагандан сўнг ушбу васиятномалар нотариал тасдиқланиши шарт эмас. Бу васиятномаларнинг бир нусхаси васият қолдирувчининг доимий яшаш манзили бўйича нотариал идорага юборилади.

Васият бўйича энг кўп бериладиган саволлар

Савол.

Кимларга мол-мулкимни васият қолиб қолдирсам бўлади?
Фақат қариндошларимгами?

Жавоб:

Хоҳлаган кишингизга, ҳатто ташкилот ёхуд исталган давлатингизга мол-мулкнингизни васият қилиб қолдиришингиз мумкин.

Савол.

Барча мол-мулкимни васият қилиб қолдиришим шартми?

Жавоб:

Йўқ, бир қисмини ҳам қолдирса бўлади.

Савол.

Келажакда олмақчи бўлган мол-мулкимни ҳам васият қилиб қолдирсам бўладими?

Жавоб:

Албатта, ҳатто Эйфель минорасини ҳам.

Савол.

Бобом менга Эйфель минорасини васият қилиб қолдирган.
Энди Эйфель минораси менга тегишлими?

Жавоб:

Йўқ. Сабаби бобонгиз вафот этган вақтда минора унга тегишли бўлмаган.

9. КАРАНТИН ВАҚТИДА ВАСИЯТНОМАЛАРНИ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?




Турли хил эпидемиялар тарқалган вақтда агар зарурат бўлса, васиятнома қандай тузилиши тўғрисида фуқароларимизда ўринли савол пайдо бўлиши табиий.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка

кўра васиятнома нотариал ёки қонунда рухсат берилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланиши лозим (ФКнинг 1124-моддаси). Шундагина у ҳақиқий ҳисобланади.

Карантин вақтида агар зарурат бўлса, фуқароларимиз қандай қилиб васиятномани нотариал тасдиқлаши мумкин?

Маълумки, карантин вақтида фуқароларнинг уйдан ташқарига чиқишига муайян чекловлар жорий қилинган. Шунга қарамасдан фуқароларимиз зарурат бўлганда васиятномани нотариал тасдиқлаш учун нотариал идорага бориши мумкин.




Карантин вақтида ўз фаолиятини давом эттираётган нотариуслар рўйхати Адлия вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинади. Фуқаролар фақат ушбу идораларга мурожаат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан кечиктириб бўлмайдиган вазиятда фуқароларимиз васиятномани нотариал

тасдиқлаш

учун

E-notarius.uz сайтида навбатга ёзилиши шарт.



E-notarius.uz сайтида нотариус қабулига ёзилиш учун фуқароларимиз Идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида (id.gov.uz) рўйхатдан ўтган бўлиши, яъни ID ва паролга эга бўлиши лозим.

Бунинг учун фуқародан тизимга кириш ва паспорт маълумотлари (паспорт серия, рақам, идентификацион рақам)ни тўғри киритиш талаб қилинади.

Зарурат бўлса, фуқаронинг мурожаатига кўра, нотариус васиятномани нотариал идораси биносидан ташқарида, фуқаронинг бўлиб турган жойида ҳам тасдиқлаши мумкин. Бундай вазиятда ҳам нотариус ва фуқаролар карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда васиятномани нотариал тасдиқлаш жараёнида иштирок этади. Васиятномани нотариал тасдиқлаш ва уни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео ёзувда қайд этилади.

Касалликка чалинган ёки стационар шароитда даволанаётган фуқаро васиятномани қандай қолдириши мумкин?

Бу учун улар, албатта, нотариал идорага мурожаат қилиши шарт эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига асосан мазкур шахсларнинг васиятномалари касалхона ёки стационар бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёхуд навбатчи врачлари томонидан тасдиқланиши мумкин. Ушбу васиятномаларни кейинчалик нотариус томонидан тасдиқлаш талаб этилмайди. Улар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган.

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномада юқоридаги шахслар томонидан васиятномани тасдиқлаш тартиби келтирилган. Унга кўра, даволаш муассасалари ва стационарда тасдиқланган васиятномалар икки нусхада тузилиб, бир нусхаси васият қилувчига, иккинчи нусхаси васият қилувчининг доимий яшаш манзили бўйича нотариал идорага сақлаш ва электрон базага киритиш учун юборилади.

Нотариус ва мансабдор шахслар васиятномани тасдиқлаш муносабати билан ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор этишга ҳақли эмас.

10. СИЗ ВАСИЯТНОМА ТУЗМОҚЧИМИСИЗ?

Сиз исталган нотариал идорага шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларингизни ҳамда амалдаги БҲМнинг 5% миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим қилишингиз лозим.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар:

– Ўзбекистон фуқароларининг шахси – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

– ҳарбий хизматчиларнинг шахси – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар кўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

– чет эл фуқароларининг шахси – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

– хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон фуқароларининг шахси – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;

– фуқаролиги бўлмаган шахс учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Эсда тутинг!

Васиятномани нотариал тасдиқлашда мерос қилиб қолдириладиган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди. Васиятнома васият қолдирувчининг сўзларидан ёзилди.

Васиятнома

(нотариал округ номи)

(васиятнома тасдиқланган сана (сўз билан))

(васиятнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили,
нотариуснинг Ф.И.Ш.)

Мен – Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фурқат кўчаси, 26-уй, 70-хонадонда доимий рўйхатда турувчи – 1945 йилда туғилган Муротов Умар Эшматович (паспорт АА 0187407, Миробод туман ИИБ томонидан 28.11.2014 йилда берилган) ушбу васиятнома билан қуйидагиларни фармойиш қиламан:

1. Менга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган барча мол-мулкимни, уларнинг нималардан иборат бўлишидан ва қаерда жойлашганидан қатъи назар, шу жумладан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фурқат кўчаси, 26-уй, 70-хонадонни қизим Зарипова Шохиста Умаровнага ва ўғлим Муратов Рахмон Умаровичга тенг ҳиссада васият қиламан.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-моддалари мазмуни менга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли.

3. Васиятнома матни менинг сўзларимдан тузилиб, менга нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилди, унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари менга нотариус томонидан тушунтирилди, тушунарли ва у менинг асл мақсадимга мос келади.

4. Васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси Миробод туман 7-сон давлат нотариал идорасида сақланади, иккинчи нусхаси васият қилувчига берилди.

ИМЗО: _____

(васият қилувчининг имзоси ва Ф.И.Ш. тўлиқ ёзилиши ҳамда имзоланган вақти, соати ва минути кўрсатилиши шарт)

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви

**Касалхона ёки жазони ижро этиш муассасаларида тузиладиган
васиятномаларга намуна**

ВАСИЯТНОМА

20__ йил «__» _____ куни.

Мен, _____
(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ ва яшаш жойи _____

да

(васият қилувчи турган "Нотариат дугрида" тд Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26-моддасида курсатилган таъшилотлардан бирининг номи)

давланиб туриб, ўлимим эҳтимолига кўра, қуйидаги фармойишимни (топширигимни) бераман

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимдан уй-жойимни (уй-жойнинг аниқ манзили кўрсатилиши мумкин)

_____ Га
(васиятнома кимниг фойдасига тузилаётган бўлса, ушбу шахс (шахслар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми)

васият қилиб қолдвраман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-моддалари мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди ва биттаси васият қилувчи _____ га берилади, иккинчиси

(Ф.И.Ш.)

_____ (васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасининг номи)

давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади.

Васият қилувчининг фамилияси, исми.

отасининг исми (тулик ёзилади) ва имзо: _____

Васият қилувчи томонидан шахсан имзоланган васиятноманинг тасдиқловчи ёзуви

20__ йил «__» _____ куни.

Ушбу васиятномани мен, _____
(таъшилотнинг номи, васиятномани тасдиқловчи мансабдор шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

тасдиқладим.

Васиятнома фуқаро _____
(васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Васият қилувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига _____ рақами билан қайд этилди.

Васиятномани тасдиқловчи

мансабдор шахсининг лавозими ва имзоси: _____

(таъшилотнинг муҳри)

11. ВАСИЯТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Васият қолдирувчи ўзининг васиятномада изҳор қилган продасини хоҳлаган вақтда ўзгартириши ва бекор қилишга ҳақли. Бу ҳақида ФКнинг 1127-моддасида кўрсатиб ўтилган, яъни васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилиш, ўзгартириш ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятномани тўлиқ бекор қилиш, биринчидан, унинг барча нусхаларини йўқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Бунда васият қолдирувчи нотариусга ёзма ариза билан мурожаат қилади. Аризага мувофиқ нотариус нотариал идорада сақланаётган васиятнома нусхаси, нотариал ҳаракат қайд этилган реестр ҳамда васиятномаларни рўйхатга олиш алифбо китобига белги қўйиш орқали уни бекор қилади. Васият қилувчи ўзида сақланаётган васиятнома нусхасини тақдим этган тақдирда, васиятноманинг бекор қилингани тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўяди. Агарда ариза васиятнома нотариал тасдиқланган ёки у сақланаётган идорадан бошқасига тақдим этилса, у тегишли идорага юборилади.

Иккинчидан, васиятномани тўлиқ бекор қилиш янги васиятнома тузиш орқали амалга оширилади. Бунда янги васиятнома олдинги васиятноманинг тўлалигича инкор қиладиган мазмунда тузилган бўлиши лозим. Бу ҳолатда илгари тузилган васиятномани бекор қилиш тўғрисида алоҳида фармойиш бўлиши шарт эмас. Бунда кейинги васиятноманинг бекор бўлиши олдинги васиятномани қайта тиклашга сабаб бўлмайди. Лекин кейинги васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши олдинги васиятноманинг қайта тикланишига олиб келади.

Васиятномани қисман бекор қилиш ва ўзгартириш Васиятнома қисман ўзгартирилганда, биринчидан, янги тузилган васиятномада олдинги васиятноманинг айрим бандларини бекор қилиш, иккинчидан, ундаги айрим банд-

ларига зид равишда тузиш йўли билан ўзгартириш киритилади. Шунингдек, васият қолдирувчи нотариусга ариза бериш йўли билан васиятномага ўзгартириш киритишга ҳақли.

Бундан ташқари, кейинги тузилган васиятнома олдинги васиятномани бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан, қўшимча фармойишлар билан тўлдирилиши ҳам мумкин. Агарда олдинги васиятномаларда мерос қолдирувчи ўзининг мол-мулкидан бир қисмини васият қилиб қолдирган бўлиб, кейинги васиятномада мулкнинг қолган қисмига васиятнома тузган бўлса, мерос очилганда ҳар иккала васиятнома ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳар иккала васиятнома бўйича ҳам ворислар мерос олади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши. Васиятнома бир томонлама битим ҳисобланиб, у мерос қолдирувчининг шахсан ўзи томонидан, васият бўйича ҳуқуқ олувчининг розилигисиз тузилади.

ФКнинг 1130-моддасига асосан, васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг қонунда белгилаб қўйилган тартиби бузилган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади.

Васиятноманинг айрим бандлари ҳақиқий эмаслиги унинг қолган қисмининг ҳақиқийлигига дахл қилмайди. Васиятнома тўлалигича ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларга кўра мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, у бир томонлама битим бўлгани сабабли ФКнинг 9-боби 2-параграфида назарда тутилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қоидаларга асосан амалга оширилади. Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалар мерос очилган пайтдан бошлаб 3 йил муддатда суд томонидан кўриб, ҳал қилинади. Бунда ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган васиятномаларга нисбатан даъво муддати татбиқ этилмайди. Мисол учун, муомалага лаёқатсиз шахс томонидан тузилган васиятнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмасдан, уни ҳақиқий эмас деб топиш учун судга мурожаат қилиш шарт эмас. Демак, бундай ҳолларда даъво муддати қўлланилмайди. Лекин

васиятнома ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш бўйича даъво муддати қўлланилади. Мисол учун, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган васиятнома бўйича мерос эгалланган бўлса, мерос мол-мулкининг қайтарилишига нисбатан талабларни қўллашда даъво муддати қўлланилади.

Васиятнома бутунлай бекор бўлган тақдирда, унда васият қилиб қолдирилган мулк қонун бўйича ворислар ўртасида тенг тақсимланади.

Васиятноманинг айрим қисмлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг шу қисмида кўрсатилган мулк қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар ўртасида тенг бўлинади.

Нотариуслар томонидан васиятномага ўзгартириш киритилгани ёки бекор қилингани ҳақидаги маълумотлар алифбо китобига ва тизимга киритилиши лозим.

Шунингдек, васиятномаларни тасдиқлаш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан васиятнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Агар мансабдор шахс васиятномани бекор қилган ёки ўзгартирган бўлса, бу ҳақда нотариал идорага кечиктирмай маълумот бериши зарур.

Мансабдор шахслар васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўладиган ҳужжатнинг биттадан нусхасини ушбу моддада белгиланган тартибда кечиктирмай нотариал идорага бериши шарт.

Мансабдор шахслар томонидан васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар нотариал идорага юборилганида нотариус у келиб тушган кундан кечиктирмай васиятномага ўзгартириш киритилгани ёки бекор қилингани ҳақидаги маълумотларни алифбо китобига ва тизимга киритиши лозим.

Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги ариза

*Ўзбекистон Республикаси,
Фарғона вилояти,
Бешариқ туман 2-сон
давлат нотариал идорасига*

*Фарғона вилояти, Бешариқ
тумани, “Мангит” ҚФЙ,
Маржонбулоқ қўчаси
14-уйда доимий рўйхатда турувчи
Илҳомжонов Хўжахондан
(паспорт СВ 3320317, Бешариқ
туман ИИБ томонидан
08.02.2012 йилда берилган)*

АРИЗА

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани
Икки минг ўн тўртинчи йил, апрель ойининг ўнинчи куни

Мен – Илҳомжонов Хўжахон ушбу аризам билан Бешариқ тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ф.И.Ш. томонидан 2010 йил 19 майда 2550 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномамни бекор қиламан.

Аризанинг матнини тўлиқ ўқиб чиқдим, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари менга нотариус томонидан тушунтирилди ва тушунарли, аризанинг мазмуни менинг асл хоҳиш-истакларимга мос келади.

ИМЗО _____

Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви

12. МЕРОС ҚАНДАЙ ЭГАЛЛАНАДИ?

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Меросхўрмисиз? Агар меросхўр бўлсангиз, мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаган жойдаги исталган нотариал идорага меросни эгаллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Васият бўйича меросхўр бўлсангиз, бунда сиз қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишингиз лозим:

- мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси;
- васиятноманинг асл нусхаси;
- шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз;
- мерос мол-мулкига нисбатан мерос қолдирувчининг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси (мисол учун: транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, кўчмас мулк паспорти ва бошқалар);
- меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш тўғрисидаги ариза.

**Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ
тўғрисидаги гувоҳнома олиш ҳақида ариза намунаси**

Ариза келиб тушди:
_____ 20__ йил

Мерос иши № _____

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Дўстлик туман 2-сон давлат нотариал идорасига Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А.Ортиқов кўчаси, 17-уйда доимий рўйхатда турувчи Умаров Файзулла Ҳикматовичдан (паспорт АА 6352201, Дўстлик туман ИИБ томонидан 03.06.2013 йилда берилган)

АРИЗА

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани икки минг ўн тўртинчи йил, ноябрь ойининг йигирма бешинчи куни

Менинг отам Умаров Ҳикмат Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А. Ортиқов кўчаси, 21-уйда доимий равишда яшаб келиб, 2011 йил 4 апрель куни вафот этди.

Унинг ўлимидан сўнг мерос мол-мулк сифатида Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, А.Ортиқов кўчасида жойлашган 21-уй қолди.

Дўстлик туман 2-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Ф.И.Ш. томонидан _____ 20__ йилда 380 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномага асосан марҳумнинг меросхўри мен – Умаров Файзулла Ҳикматович бўламан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан юқориди кўрсатилган мерос мол-мулкка нисбатан мажбурий улуш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар йўқ.

Менга юқориди кўрсатилган мерос мол-мулкка нисбатан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришингизни сўрайман.

Мен мажбурий улуш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларни яширганлик оқибатлари ва жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдим.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. Марҳумнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
2. Васиятнома.
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси.
4. Кадастр хизмати органидан маълумотнома.
5. Мерос қолдирувчининг уй-жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

ИМЗО _____

Умаров Файзулла Ҳикматовичнинг шахси Дўстлик туман ИИБ томонидан 07.08.2013 йилда берилган АА 0192357 паспорт бўйича аниқланди.

Нотариус имзо Ф.И.Ш.

М.Ў.

Қонун бўйича меросхўр бўлсангиз, бунда сиз қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишингиз лозим:

- мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз;
- мерос қолдирувчи фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари;
- мерос қолдирувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;
- мерос қолдирувчининг ота-онаси марҳум бўлса, ўлими ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;
- мерос қолдирувчининг охириги яшаш жойи (домий рўйхатда турган жойи) тўғрисидаги маълумотнома;
- мерос мол-мулкига нисбатан мерос қолдирувчининг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси (мисол учун: транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, кўчмас мулк паспорти ва бошқалар);
- меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш тўғрисидаги ариза.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олиш ҳақида ариза намунаси

Келиб тушди
“ ____ ” _____ 2020 йил

Қоракўл туман 1-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси
А.Я.Баҳромовга

Мерос иши № _____

Қоракўл тумани Қораун ҚФЙда
доимий рўйхатда турувчи Нетьматова
Наргиза Асадовна томонидан

АРИЗА

Марҳум эрим Жўраев Пирназар Ёдгорович 01.01.1954 йилда Қоракўл туманида туғилган. Никоҳимиз 10.11.1977 йилда 58-сонли никоҳ далолатнома ёзуви билан қайд этилган, у 2013 йил 4 ноябрь куни Қоракўл туманида 59 ёшида вафот этди.

Марҳум эрим Жўраев Пирназар Ёдгоровичнинг отаси Жўраев Қодир Қоракўл туманида, онаси Жўраева Раъно 06.04.2002 йилда Қоракўл туманида 89 ёшида вафот этган.

Марҳум эрим Жўраев Пирназар Ёдгорович билан никоҳимиз давомида 5 (беш) нафар фарзандимиз бўлган.

- 22.11.1977 йилда туғилган Жўраев Азамат Пирназарович,
- 16.05.1979 йилда туғилган Жўраев Баходир Пирназарович,
- 11.05.1983 йилда туғилган Жўраева Дилбар Пирназаровна,
- 08.11.1984 йилда туғилган Жўраев Жасур Пирназарович,
- 06.09.1992 йилда туғилган Жўраев Мансур Пирназар ўғлилар

Шунингдек, марҳум эрим Жўраев Пирназар Ёдгоровичнинг қарамоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқиқа эга бўлган шахслар бўлмаган.

Марҳум эрим Жўраев Пирназар Ёдгоровичдан мерос мулки сифатида:

1. Қоракўл тумани, Мирза қалъа МФЙ, Мирза қалъа қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 0,15 (ноль бутун юздан ўн беш)га, умумий майдони 361,1 (уч юз олтимиш бир бутун ўндан бир) квадрат метр, турар-жой майдони 139,4 (бир юз ўттиз тўққиз бутун ўндан тўрт) квадрат метр ҳамда 5 (беш)та хонадан иборат уй.

2. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, т/в тури енгил (седан), двигатель № 091399, кузов № XWB3D31BD8A158923, шасси № ракамсиз, кулранг рангли, давлат рақам белгиси 80 М 442 АА бўлган ГБА NEXIA DAEWOO СНГ русумли автомобилотранспорт воситаси қолган.

Мен Нетьматова Наргиза Асадовна, ушбу уй-жой ва автомобилотранспорт воситасига нисбатан қонун бўйича меросхўр ҳисобланаман, марҳум эримнинг номидан ҳеч кимга васиятнома расмийлаштирилмаган, шу сабабли менга қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришингизни сўрайман.

Аризамга илова сифатида қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиламан:

- марҳум эримнинг ўлим, туғилиш ва никоҳ гувоҳномасидан нусха;
 - марҳум эримнинг онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномасидан нусха;
 - маҳалладан маълумотнома ва далолатнома;
 - меросхўрларнинг меросдаги улушларидан воз кечиш ҳақидаги аризалари ва туғилганлик ҳақида гувоҳномаларидан ва паспортларидан нусхалар;
 - кадастр ҳужжат;
 - кадастр маълумотномаси;
 - транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасидан нусха;
 - баҳолаш далолатномаси;
 - “Қоракўл садоси” газетасининг 2018 йил 26 июндаги № 25-сони;
 - фуқаролик паспортим ва ИНН рақамидан нусха.
- Аризанинг матни менинг ўз сўзимдан мақсадимга мувофиқ ҳолда ёзилган.

Имзо _____

2020 йил « _____ » _____

07.07.1955 йилда туғилган Неъматова Наргиза Асадовнанинг шахси Бухоро вилояти Қоракўл тумани ИИБ томонидан 01.08.2000 йилда берилган СР 0171717 рақамли паспортга асосан аниқланди.

Ариза берувчининг имзоси ҳақиқийлиги текширилди.

Нотариус

А.Я.Бахромов

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган **ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.**

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган (мерос қолдирувчи вафот этган) кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Давлат божи

Нотариал идорада мерос гувоҳномаси расмийлаштирилганда ҳар бир *автомобиль ва қўчмас мулк* учун БҲМнинг 50% миқдорида, яъни $22300 * 50\% = 111500$ сўм давлат божи ундирилади.

Бошқа мол-мулклар учун БҲМнинг 30% миқдорида, яъни $22300 * 30\% = 66900$ сўм давлат божи ундирилади.

Бунда қолган мулклар миқдорининг аҳамияти йуқ – *ўнта бўлса ҳам, битта бўлса ҳам шу сумма ундирилади.*

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома намунаси

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ
тўғрисидаги гувоҳнома

(нотариал округ номи)

(гувоҳнома тасдиқланган сана (сўз билан))

(гувоҳнома расмийлаштирилган ДНИ тўлиқ номи ва манзили)

Мен – Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ф.И.Ш. ушбу нотариал идорада 2011 йил 18 августда 1-6722 реестр рақами билан қайд қилинган васиятномага асосан 2012 йил 12 октябрь куни вафот этган Аҳмедова Насибанинг ушбу васиятномада кўрсатилган мол-мулкнинг меросхўри Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Регистон кўчаси, 49-уй, 5-хонадонда доимий рўйхатда турувчи – 1971 йилда туғилган қизи Акрамова Зухраҳон Таджибоевна (СТИР 124845900, паспорт СВ 2473211, Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан 10.12.2011 йилда берилган) эканлигини тасдиқлайман.

Мазкур гувоҳнома берилган мерос мол-мулки, яъни Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, У. Мусавв кўчасида жойлашган 102-уй қўйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 108.65 (бир юз саккиз бутун юздан олтмиш беш) кв.м.ни ташкил этиб – турар жой майдони 90.41 (тўқсон бутун юздан қирқ бир) кв.м.дан иборат бўлган бешта яшаш хонаси, даҳлиз, ертўла, иккита соябон, ошхона;

уй-жойнинг 2012 йилдаги инвентарь баҳоси 1.834.187 (бир миллион саккиз юз ўттиз тўрт минг бир юз саксон етти) сўм бўлиб, ушбу ҳолатлар Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йилда 15 январь куни берилган 168-сонли маълумотнома билан тасдиқланади.

Юқорида кўрсатилган уй-жой мерос қолдирувчи Аҳмедова Насибага Самарқанд шаҳар ҳокимининг 4 декабрь 2013 йилдаги 970-сонли қарорига асосан тегишли бўлиб, қарор Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида 2014 йилда 2 январь куни 3-сонли кадастр китобига 145-рақам билан 145-варағига ёзилиб, 11-04-09-01-01-0717-0001 кадастр рақами билан рўйхатга олинган.

Мазкур гувоҳнома Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Реестрга _____-сон билан қайд қилинди.

Давлат божи: _____ сўм (_____ сўз билан) ундирилди.

Мерос иши № _____

Нотариус

(имзо)

Ф.И.Ш.

М.Ў.

13. МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧСА БЎЛАДИМИ?

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. Бу меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга меросдан воз кечиш тўғрисида ариза бериши орқали амалга оширилади.

Агар *ишончномада* вакил орқали меросдан воз кечиш *ваколати махсус* назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Бу қизик! Фуқароларимиз томонидан энг кўп бериладиган саволлардан бири бу: “Мен меросдан воз кечгандим. Энди фикримдан қайтдим, қайтариб олмоқчиман, нима қилсам бўлади?”. Агар сиз онгли равишда, моҳиятини тушуниб ҳеч қандай зўрлик ишлатмасдан меросдан воз кечган бўлсангиз, бундай воз кечиш қайтариб олинмайди.

Агар сиз меросдан воз кечилишида сизга қандайдир зўрлик ёки тазйиқ ўтказилган бўлса, меросдан воз кечиш суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. Бунда Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

14. МЕРОС МУЛКИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Мерос қандай тақсимланишини айрим мисолларда кўрсатиб ўтамиз. Мерос тақсимланаётганда барча меросхўрларнинг улуши бир хил бўлади. Бунда тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик ва мерос трансмиссиясигина мустасно.


Мисол учун, меросхўрдан бир уй-жой ва машина мерос бўлиб қолган. Меросхўрлар — мерос қолдирувчининг хотини ва бир ўғлидир. Бу вазиятда мерос қандай тақсимланади, бунди

диаграмма кўринишида кўрсатиб берамиз. Бунда мазкур мол-мулкларнинг никоҳ даврида орттирилгани (сотиб олинган ёки бирор бир ҳақ, иш, хизмат эвазига келгани) аҳамиятга эга.

Агар бу мол-мулклар никоҳ даврида орттирилган бўлса



Агар бу мол-мулклар никоҳ даврида орттирилмаган бўлса



Мухим жиҳат!

Уй-жой хотинга, машинани ўғилга расмийлаштиришни сўрашади. Мерос қонунчилигига кўра, меросдан қисман воз кечиб бўлмайди. Яъни ўғил уй-жойдаги улушидан воз кечиб машинадаги улушини, хотин эса машинадаги улушидан воз кечиб уй-жойдаги улушини олиши хато ҳисобланади.

Агар шундай тартибда мулкни қабул қилишмоқчи бўлса, улар ҳар бири меросдаги улушини қабул қилиб олиб, кейин айрим мулклардаги ўзларининг ҳиссаларини иккинчиларига ҳадя қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 76.
2. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь).
3. Жисмоний ва юридик шахсларга Фуқаролик, оилавий ва жинойий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция (1993 йил 22 январь, Минск шаҳри).
4. Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 960.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 560.
6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 200.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 384.
8. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. – Т.: Адолат, 2019.
9. Ўзбекистон Республикаси нотариатга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ва бошқа ҳужжатлар тўплами. – Т.: Адолат, 2012. – Б. 608.
10. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 42-модда.
11. Давлат божи ставкалари тўғрисидаги Қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2020. 09/17/810/0095-сон.
12. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

МАМАРАИМОВА ГУЛРУХ МАХМУДОВНА

МЕРОС ОЛИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

Рисола

Масъул муҳаррир: Ҳ. Салоева

Муҳаррир: С. Тошева

Техник муҳаррир: У. Сапаев

Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.
Ҳажми: 2.5 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 16.

Тошкент давлат юридик университети
Типография бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.